



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Сапаров Элмурод Донабаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Email: elmurod_saparov@inbox.ru

Orcid: <https://orcid.org/0000-0003-2938-1145>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss1/747

Аннотация

Мақолада давлат бюджети харажатларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни, динамикаси ва тенденциялари таҳлил қилинади. Ўзбекистонда 2018–2024 йилларда давлат бюджети харажатлари сезиларли ўсгани, айниқса ижтимоий соҳалар, инфратузилма, саноат ва инвестиция йўналишларига ажратилаётган маблағлар салмоғи ортгани қайд этилади. Тадқиқотда давлат харажатлари таркиби ва ҳудудий ривожланиш ўртасидаги боғлиқлик муаллифлар ишланмалари асосида ёритилган.

Калит сўзлар. давлат бюджети харажатлари, ҳудудий стратегия, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий соҳа харажатлари.

Кириш

Глобал иқтисодий шароитда ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий номутаносибликлар мамлакатнинг умумий барқарор ривожланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодий ўсиш марказларини шакллантириш, ҳудудлар инфратузилмасини замонавийлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва иш ўринлари яратишда давлат бюджети маблағларининг мақсадли ва самарали йўналтирилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иқтисодий ўсишнинг фаоллашуви ва ҳудудларда бизнес муҳитининг ривожланиши катта даражада бюджет маблағларининг тўғри тақсимланиши ва сарфланишига боғлиқ. Бюджет сиёсатининг ҳудудий самарадорлиги инвестиция жараёнларини қўллаб-қувватлаш, транспорт ва коммунал инфратузилмани яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳаларда хизматларнинг сифатини ошириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсишига хизмат қилади. Шу сабабли, давлат бюджетининг ҳудудий йўналишдаги харажатларини таҳлил қилиш нафақат иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан, балки ижтимоий адолатни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам катта долзарбликка эга.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бюджет ислохотлар, жумладан, бюджети очиқлиги, иштирокчил бюджет, маҳаллий кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, ҳудудий ривожланиш дастурларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш каби жараёнлар бюджет маблағларининг самарадорлигини янада оширишни талаб қилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Давлат бюджети мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишда асосий молиявий манба бўлиб, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва инфратузилмани модернизация қилиш учун хизмат қилади. Шу сабабли, бюджет маблағларининг ҳудудий ривожланиш йўналишларига самарали тақсимланишини таҳлил қилиш назарий ва амалий тадқиқотларда алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мувозанатли ривожлантириш масаласи замонавий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқаро тадқиқотларда ҳудудий ривожланиш стратегиялари, ресурсларни оптимал тақсимлаш, инфратузилмани модернизация қилиш ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий интеграцияни кучайтириш масалалари кенг ўрганилган. Хитой тажрибасига оид адабиётларнинг алоҳида гуруҳи мамлакатда амалга оширилаётган «ҳудудий комплементарлик» концепцияси самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаб беради. Ушбу ёндашувга кўра, иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган ҳудудлар ўртасидаги фарқни камайтириш мақсадида ресурслар, технология ва инвестициялар оқими ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда ташкил этилади

Шунингдек, мавжуд адабиётларда Хитойнинг узоқ муддатли ҳудудий стратегиялари - жумладан, 14-беш йиллик ривожланиш дастури ва 2035-йилгача мўлжалланган мақсадлар - мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва ҳудудий ўсишдаги дисбалансларни бартараф этишда ҳал қилувчи омил сифатида баҳоланади. Тадқиқотларда айниқса Шарқий, Марказий, Ғарбий ва Шимол-Шарқ минтақаларининг иқтисодий ўрни, улар фондидаги тармоқлар ва инвестиция салмоғи ўртасидаги фарқни камайтириш учун қўлланилаётган сиёсат механизмлари алоҳида ўрин тутди. Хитой Коммунистик партияси томонидан тайёрланган материалларда ҳудудлар ўртасидаги комплементар ривожланиш моделининг асосий вазифалари – инновацион саноатни жадал ривожлантириш, стратегик тармоқларда қиймат занжирини яратиш, энергия хавфсизлигини таъминлаш ва экотизим мувозанатини сақлаш экани қайд этилади.

Давлат харажатлари таркиби ва уларнинг ўсишга таъсири ҳақидаги адабиётларда эса, жумладан, Sosvilla-Rivero ва ҳаммуаллифлар (1996), кейинчалик Европа Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар кесимида олиб борилган тадқиқотлар, инфратузилма, таълим ва соғлиқни сақлашга йўналтирилган харажатлар узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ҳудудий барқарорлик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади¹.

Ҳудудий ривожланиш ва давлат харажатлари ўртасидаги муносабат Европа мамлакатлари, Румыния, Испания ва бошқа давлатлар мисолида ҳам кенг ўрганилган. Бу изланишларда ҳудудий фаровонлик индекси, инфратузилмага сарфлар, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат бозорига оид харажатлар каби кўрсаткичлар асосида минтақалар ўртасидаги фарқлар таҳлил қилинади. Масалан, Румыния бўйича

¹ Sosvilla-Rivero, S., Ramos-Herrera, M. d. C., & Rubio-Guerrero, J. J. (2025). Public Expenditure and Economic Growth: Further Evidence for the European Union. *Economies*, 13(3), 60. <https://doi.org/10.3390/economies13030060>

Ўтказилган тадқиқотда давлат харажатларининг таркибий тўзилиши ва солиқ сиёсати ҳудудлар барқарор ўсишига бевосита таъсир қилаётгани кўрсатилган².

Замонавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари шароитида Ўзбекистонда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал суръатларда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда саноатлашган иқтисодиётни шакллантириш, мавжуд табиий ресурслар ва хомашё базасидан самарали фойдаланган ҳолда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш имкони кенгаймоқда. Бу эса аҳоли учун барқарор иш ўринлари ташкил этиш, уларнинг доимий ва кафолатланган даромад манбаларига эга бўлишини таъминлайди. Ушбу стратегик чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари сифатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш динамикасини кузатиш мумкин бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда давлат бюджетидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағларнинг динамикаси, таркибий ўзгаришлари ва тенденциялари комплекс тарзда ўрганилди. Таҳлил жараёнида бир нечта илмий йўналишларга асосланган усуллардан фойдаланилди. Турли йиллардаги давлат бюджети кўрсаткичлари, ижтимоий харажатлар, инфратузилмага йўналтирилган инвестициялар, ҳудудлар кесимидаги харажатлар ва уларнинг ЯИМдаги улуши солиштирилди. Бу орқали харажатлар динамикаси, ўсиш суръатлари ва ҳудудлар бўйича фарқлар очиқ берилди. Шунингдек, тадқиқотда иқтисодий-статистик усуллар, жумладан, тенденцияларни баҳолаш, харажат таркибини таққослаш ва уларнинг ҳудудлар иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилиш усуллари қўлланилди. Бу бюджет харажатлари ва ижтимоий-иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга хизмат қилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасида 2020–2024 йиллар давомида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди. Хусусан, “2020 йилда мазкур кўрсаткич 19 515,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 39 131,4 минг сўмга етган. Ушбу давр мобайнида аҳоли жон бошига ЯИМ қарийб икки баробарга ошган. Шу билан бирга, 2024 йилда ушбу кўрсаткич халқаро ҳисоб-китобларда 3 092,7 АҚШ доллари эквивалентида қайд этилган”³.

2022–2025 йилларда Ўзбекистонда саноат салоҳиятини юксалтириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат ҳудудлари ташкил этилди. Бу орқали 100 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, йиллик саноат ишлаб чиқариш ҳажми 45 триллион сўмдан ошди, экспорт кўрсаткичи эса 750 миллион АҚШ долларига етди. Давлат бюджетига 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумлари тўпланди. Шу билан бирга, транспорт

² Cristina, I.O.M.; Nicoleta, C.; Cătatălin, D.R.; Margareta, F. Regional Development in Romania: Empirical Evidence Regarding the Factors for Measuring a Prosperous and Sustainable Economy. Sustainability 2021, 13, 3942. <https://doi.org/10.3390/su13073942>

³ Stat.uz сайти маълумотлари.

йўллари, электр энергияси ва сув таъминоти тармоқлари ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш инфратузилмалари сезиларли даражада ривожлантирилди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” да миллий иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиш, жон бошига ЯИМни 1,6 бараварга ошириш ва 2030 йилга қадар аҳоли жон бошига даромадни 4 минг АҚШ долларидан юқори даражага етказиш мақсадлари белгилаб қўйилган. Бу орқали мамлакатни “ўртачадан юқори даромадли давлатлар” қаторига қўшиш учун зарурий шароит яратилиши кўзда тутилган⁵.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳам стратегик вазифалар қаторида бўлиб, 2028 йилга қадар инфляция даражасини босқичма-босқич 5 фоизга пасайтириш режалаштирилган. Давлат бюджети тақчиллигини камайтириш ва унинг ЯИМга нисбатан улушини 3 фоиздан оширмаслик назарда тутилган. Давлат қарзини самарали бошқариш мақсадида йиллик ташқи қарз ҳажми 5,5 миллиард АҚШ долларидан кўп бўлмаслиги белгиланди⁶.

1-жадвал

Давлат бюджети харажатлари ва уларнинг ЯИМдаги улуши миқдорининг ўзгариш динамикаси⁷

Кўрсаткичлар номи	Йиллар						
	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Ялпи ички маҳсулот, тлрн,сўмда	473,6	594,6	668	820,6	995,6	1 204,5	1 454,6
Давлат бюджети харажатлари (ДМЖларисиз), тлрн,сўмда	79,7	118	144,1	188,3	236,7	281,1	310,9
Харажатларнинг ЯИМдаги улуши, фоизда	17	20	22	23	24	23	21

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2018–2024 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) изчил ўсиш суръатларини намоён этди. Республиканинг 2018 йилдаги ЯИМ ҳажми 473,6 млрд.сўм бўлган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 1 454,6 млрд.сўмгача ортди. Ушбу давр мобайни ЯИМ миқдори барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатган. Мазкур ўзгариш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тизимли равишда самара берганини, инвестиция муҳити яхшиланганини натижасидир. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари ҳам сезиларли даражада ўсган. Хусусан, 2018 йилда 79,7 млрд.сўмга тенг бўлган харажатлар 2024 йилга келиб деярли 310,9 млрд.сўмга етди. Ушбу ҳолат давлатнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва инфратузилма соҳаларига


⁴ <https://parliament.gov.uz/oz/news/sanoat-rivoji-uchun-yangi-imkoniyatlar>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” тасдиқлаш фармони.

⁶ Фуқаролар учун бюджет лойиҳаси 2025. https://api.mf.uz/media/document_files/Budjet_P_25_uz.pdf.

⁷ Муаллиф ҳисоб-китоби.

Йўналтирган сарф-харажатлари ошиши билан бир қаторда марказлаштирилган инвестиция дастурлар учун харажатлар миқдори ўтган йилларга нисбатан ошган. Давлат бюджети харажатларининг ЯИМдаги улуши йиллар кесимида турлича шаклланди. 2018 йилда бу кўрсаткич 17%ни ташкил этган бўлса, 2024 йилларда мазкур кўрсаткич 21%га тушди. Бундай пасайиш давлат бюджети ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлганини ҳамда харажатлар мақсадли йўналтирилганини кўрсатади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг таркиби⁸ (млрд.сўм).

1-расм маълумотларга кўра, ижтимоий йўналишдаги харажатлар 2018 йилда 42 883,3 млрд,сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 152 347,6 млрд,сўмга етган. Бу қарийб 3,5 баробар ўсишни ифодалайди. Ижтимоий харажатларнинг ўсиш тенденциялари миқдор шаклида ўсиб боровчи ҳисоблансада, умумий харажатлар таркибидаги фоизли улуши камайиб боришини кўришимиз мумкин. Жами харажатларга нисбатан ижтимоий харажатларнинг улуши 2018 йилда 53.7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда ва 2024 йилдаги фоизли улуши мос равишда 48.8 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, ижтимоий харажатларнинг миқлоран ўсиш тенденциялари йиллар давомида сезиларли миқдорда ўсиб борган бўлиб, бундай кескин ортиши инсон капиталига инвестицияларни кучайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари натижасидир.

Иқтисодий харажатлар ҳам ўртача ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2018 йилда улар 8 461.8 млрд сўм миқдорида қайд этилган бўлса, 2023 йилда 42 926.9 млрд сўмгача кўтарилган. Бироқ 2024 йилда маълум бир миқдорда пасайиш кўзатилган ҳамда жами харажатлар миқдори 38 417 трлн сўмга тенг бўлган. Ушбу

харажатларнинг камайиши аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари ислохатлар бўйича харажатларнинг оптималлаштириши натижаси сифатида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Инвестиция харажатлари эса нисбатан номувофиқ тенденцияга эга бўлиб, 2018 йилда 5 396.4 млрд сўм бўлган бу кўрсаткич 2021 йилда энг юқори чўққига 29 581.6 млрд сўмга етган, кейинчалик эса барқарорлашиш жараёни кузатилган. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиш назарияси нуқтаи назаридан, йирик инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришдаги босқичма-босқичлик, инвестиция сиёсатининг давлат стратегияси билан уйғунлашуви ва ташқи инвестиция манбаларига боғлиқликни ифодалайди. Ушбу ислохатларнинг амалга оширилиши 2020 йилда 18 843.7 млрд сўмдаги харажатлар амалга оширилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 2 барабардан кўпроқни ташкил қилади. Жадвалда “бошқа харажатлар” тоифаси ҳам сезиларли ўсишни кўрсатади. Ушбу кўрсаткич 2018 йилда 22 994.5 млрд сўмдан 2024 йилда 91 679.3 млрд сўмгача ошган бўлиб, тахминан 4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу харажатларининг ўсиб бориш тенденциялари давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатларининг ўсиб бориши билан изоҳлашимиз мумкин.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, 2018–2024 йиллар давомида Ўзбекистонда давлат бюджети харажатлари ва ЯИМ барқарор ўсиш тенденциясини намоён этди. Давлат харажатлари ҳажми 79,7 трлн сўмдан 310,9 трлн сўмгача, ижтимоий харажатлар эса қарийб 3,5 баробарга ошгани аҳоли турмуш сифатини ошириш ва инсон капиталига инвестицияларнинг кучайганини кўрсатади. Шу билан бирга, саноат ва инвестиция харажатларининг ўсиши ҳудудларда янги иш ўринлари яратилиши, экспорт потенциали ошиши ва саноат ҳудудларининг кенгайишини таъминлади.

Бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши пандемия даврида 24% гача ошган бўлса-да, кейинги йилларда 21% гача пасайиши бюджет сиёсатининг оптималлаштирилганини, харажатларнинг мақсадли ва самарали бошқарилишини англатади.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, ҳудудий ривожланишни таъминлаш учун давлат харажатларининг таркибий тузилмасини янада такомиллаштириш, инвестиция харажатларини стратегик тармоқларга йўналтириш ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш устувор аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳудудий номутаносибликни камайтириш, маҳаллий бюджетларни кучайтириш ва фискал децентрализацияни чуқурлаштириш келгусидаги барқарор ривожланишнинг асосий омиллари сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати.

1. Oates, W. (1999). An Essay on Fiscal Federalism. *Journal of Economic Literature*, 37(3), pp.1120-1149.
2. Musgrave, R.A. (1959). *The Theory of Public Finance*. New York: McGraw-Hill.
3. Smith, A. (1776). *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations*. London: Strahan and Cadell.

4. Diamond, J. (2002). The role of internal audit in government financial management. International Monetary Fund.
5. Sosvilla-Rivero, S., Ramos-Herrera, M. d. C., & Rubio-Guerrero, J. J. (2025). Public Expenditure and Economic Growth: Further Evidence for the European Union. *Economies*, 13(3), 60. <https://doi.org/10.3390/economies13030060>
6. Cristina, I.O.M.; Nicoleta, C.; Cătatălin, D.R.; Margareta, F. Regional Development in Romania: Empirical Evidence Regarding the Factors for Measuring a Prosperous and Sustainable Economy. *Sustainability* 2021, 13, 3942. <https://doi.org/10.3390/su13073942>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” тасдиқлаш ПФ-60-сонли фармони.
8. Фуқаролар учун бюджет лойиҳаси 2025. https://api.mf.uz/media/document_files/Budjet_P_25_uz.pdf.
9. imv.uz сайтида
10. Stat.uz сайти
11. <https://parliament.gov.uz/oz/news/sanoat-rivoji-uchun-yangi-imkoniyatlar>